

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

90 «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил
25 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-1*

(2010 йил 4 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (II)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сон, 232-модда) 7-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабр-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й.

даги «Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–1245-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 52-сон, 560-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сонли «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 1908, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 97-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2010 йил 12 март,
19-сон

Р. АЗИМОВ**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2010 йил 12 март,
2010-9-сон

Б. ПАРПИЕВ

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2010 йил 12 мартдаги
19, 2010-9-сон қарорига
ИЛОВА

**«Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва
бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Номида ва 1-банддаги «Цементга» деган сўздан кейин «ва клинкерга» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. Низомда:

а) номи ва муқаддимасидаги «Цементга» деган сўздан кейин «ва клинкерга» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

б) 2-бандида:

«цементни», «цементнинг» деган сўзлар тегишинча «цементни (клинкерни)», «цементнинг (клинкернинг)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Соф қўшимча фойда — қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмаларни чегирилиб ташланган ҳисобот давридаги қўшимча фойда суммасидир»;

в) 3-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«3. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаб чиқаришда соф қўшимча фойда суммаси солиқ солинадиган базага қўшилмайди»;

г) 4-бандидаги «цемент» деган сўз «цемент (клинкер)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 6-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«6. Соф қўшимча фойда солиқ солинадиган базадир»;

е) 12-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Қўшимча фойда солиғининг ҳисоб-китоби давлат солиқ хизмати органларига ҳар бир маҳсулотнинг тури бўйича ортиб борувчи якун билан ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-санасигача, ушбу Низомнинг 1 ва 2-иловалари шаклида тақдим этилади»;

ж) иловаси 1-илова деб ҳисоблансин;

з) қуйидаги мазмундаги 2-илова билан тўлдирилсин:

Юридик шахс
штампи

Цемент ва клинкерга қўшимча фойда
солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга
тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

_____ туман (шаҳар) Давлат солиқ инспекциясига

Солиқ тўловчи _____
(корхона, ташиқлотнинг номи)

СТИР

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

Телефон _____

Тўловчи манзили _____

Ҳисоб-китоб рақами _____ -сон
(банк муассасаси номи, коди)

Клинкерга қўшимча фойда солиғи ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
Реализация қилинган клинкер ҳажми	010	тонна	
Клинкерна қопларга қадоқлаш харажатлари (қоплар қиймати қўшилган ҳолда) ва қўшилган қиймат солиғи чегириб ташланган ҳолда барча ҳажмга реализация қилиш суммаси	020	минг сўм	

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Ўлчов бирлиги	Суммаси
1 тонна клинкернинг ҳисоб-китоб баҳоси	030	сўм	
Реализация қилинган клинкернинг барча ҳажми ҳисоб-китоб баҳоси (010-сатр х 030-сатр)	040	минг сўм	
Барча ҳажмга қўшимча фойданинг жами суммаси (020-сатр – 040-сатр)	050	минг сўм	
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар, жами % ставкада: (050-сатр х %)	060	минг сўм	
Солиқ солинадиган база (050-сатр – 060-сатр)	070	минг сўм	
қўшимча фойда солигининг белгиланган ставкаси	080	%	
Бюджетга тўланадиган қўшимча фойда солиғи суммаси (070-сатр х 080-сатр)	090	минг сўм	
Ўтган ҳисобот даври учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган қўшимча фойда солиғи суммаси	100	минг сўм	
Кўшимча фойда солиғи тўлангандан кейин корхона ихтиёрида қоладиган сумма (070-сатр – 090-сатр)*	110	минг сўм	

* Изох: Корхона ихтиёрида қолган сумма, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китобида: балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган тўловчиларнинг 020-сатри; балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаган тўловчиларнинг 010-сатри камаяди.

Раҳбар _____
(имзоси) _____ (Ф.И.Ш.)

Бош бухгалтер _____
(имзоси) _____ (Ф.И.Ш.)

20__ йил «__» _____ М.Ў.